



20 20 у « 29 » июнь

№ К-291

« » 20 г.

**Шўрчи тумани У.Дониёров СИУ ва
Алпомиш СИУ худудларидан
“OYNOZIK AGRO GULSHANI” МЧЖга
мева-сабзавотчиликни ривожлантириш
мақсадида экспортбоп экинлар экиш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 24 сентябрда Сурхондарё вилоятида тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва вилоят тадбиркорлари билан Термиз шаҳрида ўтказилган 21/1-1742-сон сайёр қабули баёнининг 5-бандига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/341-сон йиғилиш баёни ва Шўрчи тумани ҳокимининг 2020 йил 05 майдаги 420/01-12-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/341-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. “OYNOZIK AGRO GULSHANI” МЧЖга Шўрчи тумани У.Дониёров СИУ худудидан туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 18, 28қ, 32, 209, 217-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 68,0 балл бўлган жами 11,4 гектар, шундан 11,05 гектар суғориладиган экин ер ва 0,35 гектар ариқ-зовурлар ер майдонлари ва Алпомиш СИУ худудидан туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 314, 314а-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 86,0 балл бўлган жами 11,2 гектар, шундан 10,85 гектар суғориладиган экин ер ва 0,35 гектар ариқ-зовурлар ер майдонлари ҳаммаси 22,6 гектар, шундан 21,9 гектар суғориладиган экин ер ва 0,7 гектар ариқ-зовурлар ер майдонлари мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида экспортбоп экинлар экиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шўрчи тумани ҳокимлиги (Б.Худойберганов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов